Ушбу сонда:
2 БИЗНИНГ ТАДБИРКОР АЁЛЛАР
3 «ЧИМЁН» — ФАРҒОНА «МАЦЕСТА»СИ
4 Меросимизни ўрганамиз. ШЕЪРИЯТ ЧЕЧАКЛАРИ АСЛО СЎЛМАЙДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 20 феврал, чоршанба №31 (1248)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 феврал куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерсни қабул қилди.***

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётир. Мамлакатимизга АҚШдан кўплаб делегациялар келиб-кетаётгани бунинг бир тасдиғидир.

- Ташрифингиз АҚШда Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиш кучайиб бораётганининг яна бир далолати деб биламиз, - деди давлатимиз раҳбари. - Ўйлайманки, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан-да ривож топиб бораверади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил кенгайиб бормоқда. Ҳозирга қадар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларни қамраб олган қатор қўшма ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳамкорлигимиз ривожи сиёсий, савдо-иқтисодий, шунингдек, ҳарбий соҳада ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик ҳарбийлар АҚШнинг ҳарбий ўқув юртларида малака ошириб қайтмоқда. Икки мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасидаги алоқалар самарали кечмоқда.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида икки томонлама алоқалар ривожи, хусусан, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

***Шу куни Президент Ислом Каримов Литва Республикаси Бош вазири Алгирдас Бразаускасни ҳам қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари бу меҳмон билан узоқ йиллик қадрдон дўстдир. Ислом Каримов 1995 йили Литвага бориб, ўша кезлари президент лавозимини эгаллаб турган А.Бразаускас билан кенг қамровли музокаралар ўтказган ва ўзаро муносабатларни ривожлантиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қатор ҳужжатларга имзо чеккан эди. 1997 йили А.Бразаускас жавоб ташрифи билан Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

- Биз сизни ажойиб инсон сифатида ҳурмат қиламиз, - деди Ислом Каримов учрашувда. - Сиздек қатъиятли, вазмин, ўзига ишонган доно раҳбар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Ўзбекистон-Литва муносабатларининг йигирмадан зиёд ҳукуматлараро ҳужжатдан иборат мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бор. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ўттизга яқин Ўзбекистон-Литва қўшма корхонаси ишлаяпти. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда.

А.Бразаускаснинг ушбу ташрифи асносида ҳам бир неча икки томонлама ҳужжатларга имзо чекилди. Томонлар саноат, ички ишлар, фан-техника борасида ва маданий-маърифий соҳалар бўйича ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Тошкентда литваликларнинг миллий-маданий маркази ишлаб турибди. Айни пайтда эса Вилнюс ва Виссагинос шаҳарларида Ўзбек маданияти маркази фаолият юритмоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

## «МЕРОС»НИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Қуйичирчиқ туманида «Мерос» миллий ҳунармандчилик корхонаси иш бошлаганинга ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо у аллақачон ўз харидорини топган. Корхонада асосан дўппи, каштa каби зардўзлик буюмлари, миллий либослар тикилади.

- Асосий мақсадимиз кейинги пайтларда қарийб унут бўлаёзган миллий ҳунармандчилик буюмларини қайта тиклаш,- дейди корхона раҳбари Муборакхон Исомидинова. - Шу билан бирга, туманимиз қизларини иш билан таъминлаш билан бир қаторда уларни миллий қадриятларимизни севишга, бирор бир касб эгаси бўлишига ҳаракат қиляпмиз. Айниқса, тикувчиликни ҳар бир қиз эплаши лозим. Халқимиз «Эпли қиз - сепли қиз», деб бежиз айтмаган.

Корхонада яқин вақтларда ўғил болалар учун ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик курслари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**(ЎзА).**

*Қалб сўзлари*

Ҳозирги кунда деҳқонларимиз Вазирлар Маҳкамасининг 14 феврал куни бўлиб ўтган мажлиси руҳи билан яшаб меҳнат қилишмоқда. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ютуқлар билан бирга камчиликларимизни, муаммоларни аниқ-равшан кўрсатиб берди. Очиғи бир заршунос сифатида ғоятда таъсирландим. Ахир, бизни боқадиган, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерга нисбатан ноинсофсизларча муносабатда бўлинаётганлигига оид далиллар кимни ҳам ўйлантирмайди, дейсиз. Тарихий ҳужжатдаги «суғориладиган экинзорлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Кўплаб дала майдонлари ҳар йили турли баҳона-ю сабаблар билан экилмай қолмоқда... Боз устига қанча-қанча ерларни шўр босаётгани, кўп майдонлар зах ерларга, ботқоққа айланиб бораётганлигини барчамиз яхши биламиз» деган сатрларга кўз югуртурарканман унинг сабабларини топишга ҳаракат қиламан.

## ЕРГА МЕҲРИМНИ БАХШ ЭТДИМ

Фикримча, баъзилар ердан узоқлашиб қолишди. Яна кимлардир деҳқончилик нималигини билмай туриб, фермерликни ихтиёр этди. Шу ўринда отамнинг бир гапи ёдимга келади. У киши қадрдон дўстининг бригада бошлиғи бўлишига розилик бермаганди. Сабабини сўрашганида: «ер билан тиллашишни билмайди», деб жавоб қилганди. Кейинчалик билдимки, бу сўзда олам-олам маъно бор. Ноз-неъмат бунёдкори заминни севиши, унга меҳру муҳаббатини пайваста этиши, имкон бўлди дегунча уни ўғитга тўйинтириши лозим. Боз устига деҳқон тежамкор, маҳаллий шароитни яхши биладиган, нав ҳақида алоҳида бош қотирадиган, иқтисодий омилларни юксалтириш ҳақида тинмай изланадиган киши бўлиши керак. Шундагина мақсадга эришиши мумкин.

Узоқ йиллар мобайнида далада сидқидил тер тўкдим. Устозим, машҳур пахтакор Ҳамроқул ота Носировнинг насиҳатлари ҳал қилувчи дамларда ғоятда асқотди. Звено етакчиси, бригада бошлиғи бўлиб ишлаб, ер ва ғўза билан тиллашишни ўргандим. Ўтган йили 41 гектар ерга буғдой экиб, шартнома режасини 104 фоизга адо этдик. Пахта хирмонимиз ҳам чакки бўлмади.

Жамоада 16 киши меҳнат қилади. Ҳар бирларининг ўртача ойлик маошлари пай улушини қўшганда 30 минг сўм атрофида бўлаяпти. Одамларимиз уйлар қуришмоқда, тўйлар қилишмоқда. Яна бир нарса мени саркор сифатида қувонтиради. Ёнимдаги одамларнинг аксариятида енгил автомашина бор. Даромад йил сайин ортаяпти. Ўтган йили пахта ва ғалладан мўмай даромад олдик.

Ютуқлар сири шундаки, биз экин экиладиган ерлардан ташқари суғориш ва ичимлик сувидан, ёқилғи-энергетика, минерал хом ашё ва бошқа ресурслардан тўғри, асраб-авайлаб фойдаланишни қатъий қоидага айлантирганмиз. Шунингдек, илғор тажрибалар амалиётга дадил жорий этилади. Вақти-вақти билан кўпни кўрган отахонлар, асл миришкорларни даламизга таклиф этиб, улардан йўл-йўриқ ва маслаҳатлар оламиз. Деҳқончиликда манманлик кетмайди. Нима сабабдан бир ариқдан сув ичаётган, ишчи кучи, имкониятлари бир бўлган икки жамоада эришилаётган натижалар ҳар хил, деган саволга шундай жавоб бераман: бозор шароитида мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштириш учун деҳқон ташкилотчи, мутахассис, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши биладиган ҳисобчи бўлиши керак. Ер билан тиллаша олмайдиган инсон қўлига кетмон ушламагани маъқул. Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги гаплар бизни янада ҳушёр торттирди. Талабчанликни ошириб, омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашга ундади.

**Парда ЗИЁТОВ,**
**Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли ижара ширкатлар бирлашмаси бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

***Газетамизнинг ўтган йил 4 декабр сонида чоп этилган «Шу ҳам фермерлик бўлдими?» сарлавҳали мақолада Мирзаобод туманидаги айрим тадбиркорлар бебаҳо бойлик — ернинг умрини зое ўтказиб, ундан кўзланмаган мақсадларда фойдаланганликлари ва ҳатто топилган маблағни талон-торож қилишгача бориб етганликлари танқид остига олинган эди.***

***Ана шу мақола юзасидан таҳририятимизга келган жавобда қуйидагилар маълум қилинади:***

## «ШУ ҲАМ ФЕРМЕРЛИК БЎЛДИМИ»

— Вилоят прокуратураси ушбу мақола юзасидан текшириш ўтказди. Аниқланишича, «Деҳқонобод» ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган «Алижон» фермер хўжалиги раиси А.Раҳмонқулов 13,6 гектар майдондан 24 тонна пахта топшириш тўғрисида контрактация шартномаси тузиб, 744600 сўмлик бўнак пулини олган бўлса-да, бирон килограмм ҳосилни «Бахт» пахта тозалаш корхонасига етказиб бермаган. Бундан ташқари, экин майдонларида агротехник ишловни ўз вақтида ўтказмай, транш маблағлари ҳисобига олинган 61371 сўмлик дизел ёнилғиси, 51000 сўмлик гуруч маҳсулотини номаълум шахсларга сотиб, пулини талон-тарож қилган.

Мазкур ҳолатлар бўйича А.Раҳмонқуловга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, терговҳаракатлари олиб борилмоқда.

«Оқолтин» жамоа хўжалигидаги «Жавоҳир» фермер хўжалиги раҳбари К.Турсунқулов ҳам 46 гектар майдонга чигит қадаб, 2206 минг сўмлик бўнак пули олган. Лекин бу маблағнинг 415010 сўмини бажарилмаган ишларга сохта ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда иш ҳақи учун олиб, шахсий эҳтиёжларга ишлатиб юборган. Устига устак, у ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қарагани оқибатида 7 гектар пахта майдонини қорамоллар пайҳон қилган.

Ушбу ҳолат бўйича ҳам туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётир.

**А.ШАМСИҚУЛОВ,**
**Сирдарё вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.**

## ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Хоразмнинг йирик туманларидан бири Урганчда тадбиркорлик ҳаракати кенгайиб бормоқда. Яқинда бу ерда улкан тўқимачилик мажмуи ишга тушди.

Хом ашёни қайта ишлашга ихтисослашган «Хоразм-Нуротон» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси хорижлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда барпо этилди.

Йилига 2500 тонна пахтани қайта ишлаб ип-калава тайёрлайдиган енгил саноат мажмуаси анча йиллардан бери битмай келарди. Вилоят ва туман ҳокимликларининг саъй-ҳаракати билан қурилиш ишлари жадал усулда олиб борилди.

Корхона ҳозирги замон тўқимачилик санаотининг замонавий технологияси билан жиҳозланган. Асбоб-ускуналар, дастгоҳлар Англия, Германия, Италия каби хорижий давлатлардан келтирилган.

— Тўқимачилик мажмуи вилоятимиз экспорт қувватини оширишга хизмат қилади, — дейди қўшма корхона раҳбари П.Сафоев. — Биз қатор ривожланган давлатларнинг ишбилармонлари билан маҳсулот айирбошлаш бўйича тегишли шартномалар тузганмиз.

Қўшма корхона фойдаланишга топширилиши муносабати билан 100 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди. Маҳаллий кадрлар малака ошириб, қисқа муддатда тўқувчилик касбини ўрганиб олдилар.

Меҳнат жамоасида ишлаётган ходимлар учун барча қулайликлар яратилган. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига қатъий амал қилинмоқда. Янги ишга келганлар ўқиб, касб маҳоратларини ошиpяптилар.

Муҳими, туман пахтакорлари етиштирган хом ашё шу ернинг ўзида қайта ишланадиган бўлди. Урганч ип-калаваси эндиликда жаҳон бозорига чиқади. Келгусида цехларни кенгайтириш, янги дастгоҳлар ўрнатиш, сифати кафолатланган маҳсулотлар тайёрлаш тадбирлари тузиб қўйилган.

**Н.СОЛИҲОВА.**

*Долзарб мавзу*

***Учқўрғон туманидаги Қайқиобод қишлоғи вилоят марказидан узоқда жойлашган. Қиш ойларида бундай жойларда табиий газ босими пасаяди. Шундай бўлса-да, бу ерда табиий газни 25 фоизгача тежашга эришилди. Бу ҳол қишлоқнинг деярли барча уйларида табиий газ ўлчагичлари ўрнатилгани билан изоҳланади.***

## БЕМИННАТ ЁНИЛҒИНИ ТЕЖАЙЛИК

Шунингдек, Янгиқўрғон туманининг Нанай ва Заркент қишлоқлари аҳолиси ҳам қишда табиий газ етишмаслигдан шикоят қилишмайди. Бу ердаги туман газ идораси томонидан фақат маиший газ ўлчагич асбоби ўрнатилганидан сўнг уйларни табиий газ тармоғига улаш тартиби жорий қилинган.

Газ ўлчагич асбобларини ўрнатишнинг афзалликлари тушунарли. Бироқ, Наманган вилояти аҳолисини бу каби маиший асбоблар билан таъминлаш талаб этилган даражада ташкил этилмаган ва у беш фоиздан кўпроқни ташкил этади, холос. Ваҳоланки, Наманганда маиший газ ва сув ўлчагич асбобларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Намточ» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётганига икки йил бўлди.

- Корхонамиз газ ва сув сарфлашни ўлчовчи 50 мингта маиший асбоб ишлаб чиқаришга мўлжалланган, - дейди қўшма корхона директори Т.Жўраев. - Ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичида фақат асбобларни йиғиш кўзда тутилган. Бутловчи қисмлар эса Россиядан келтирилади. Россиянинг Владимир шаҳридаги «Точмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлимларидан бири эса ушбу бутловчи қисмлар билан таъминлашни ўз зиммасига олган. Бутловчи қисмлар учун тўловлар бўйича муаммолар юзага келгани сабабли уларни мунтазам етказиб беришга эришилмаяпти. Бу эса корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Бутловчи қисмлар охирги марта Россиядан ўтган йилнинг феврал ойида олинган. Ҳали оёққа туриб улгурмаган корхонамиз тўхтаб қолиш арафасида. «Намточ» қўшма корхонаси фаолият кўрсатганидан буён 5 мингта газ ўлчагич асбоби ишлаб чиқарилди. Уларнинг деярли ярми омборхоналарда ётибди.

Яқин вақт ичида аҳвол ўзгариши керак. Маҳсулотнинг омборхоналардаги бир қисмини «Наманганғазтаъминот» шўъба корхонаси сотиб олмоқчи.

- Корхонамиз «Намточ» қўшма корхонасининг таъсисчиси ҳисоблангани боис, унинг бир маромда ишлашидан манфаатдор, - дейди шўъба корхона директори З.Тожибоев. - Россия корхонасига бутловчи қисмлар учун маблағларни ўз вақтида тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишдан ташқари, истеъмолчилар томонидан уларга таклиф этилаётган газ ўлчагич асбоблари учун тўловлар муаммосини ҳам аниқлаш зарур. Шу мақсадда банк бўлимларига имтиёзли узоқ муддатли истеъмол кредитларини тақдим этиш мумкин. Газ ўлчагич асбобларининг фойдаси катта, яъни фойдаланилган газ учун сарф-харажатлар анча камаяди.

Вилоят ҳокимлиги ходимлари газ ўлчагич асбобларини ишлаб чиқариш ва уларни ўрнатиш муаммоси яқин вақт ичида ҳал этилади, дейишмоқда. «Намточ» қўшма корхонасида ишлаб чиқаришни яна йўлга қўйиш билан бир қаторда Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасини ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда. Бу корхона олдиндан ҳақ тўлаш электрон тизимли газ, сув ва электр энергиясини ўлчовчи маиший электр-техник асбоблар ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Бунда ушбу асбоблар ўрнатилганидан сўнг газ, сув ва электр энергияси учун сарф-харажатлар олдиндан тўланмаса, уларни етказиб бериш тўхтатиб қўйилади. Янги ишлаб чиқаришни «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг Чуст туманидаги «Барион» акционерлик жамияти негизида ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

**Н.ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Кичик ва ўрта бизнес — миллий фаровонликка эришишнинг ўта муҳим омили*

# БИЗНИНГ ТАДБИРКОР АЁЛЛАР

***Аҳолимизнинг асосий қисми йирик корхоналар қуриш имконияти бўлмаган, хизмат кўрсатиш соҳаси кам ривожланган қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш юртимизда нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас.***

***(Вазирлар Маҳкамасининг 14 февралдаги мажлиси ҳужжатларидан).***

Етмиш бир ёшни қаршилаган Онажон момо Сафоева Хонқа туманининг Тумадурғадик қишлоғида умргузаронлик қилади. Ҳамқишлоқлари бу табаррук қарияни моҳир ҳунарманд сифатида билишади. Онахон томонидан чиройли матолардан тайёрланган кўрпачалар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ўзининг нафис ва гўзаллиги билан ажралиб туради.

Урганч шаҳрининг 2-Феруз маҳалласида яшовчи Роза опа Эшжонова турмуш ўртоғи Ортиқ Иброҳимов, қизлари Латофат, Нигора, Муяссар ва Манзуралар билан бир гуруҳ ёшларга бешик, сандиқ ясаш ва тузатиш, тикувчилик, каштачилик ва қандолатчилик касбларини ўргатишмоқда.

Вилоятда ўтказилган «Энг яхши тадбиркор» кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган олийҳиммат опахон «Авесто боғи» мажмуи ва вилоят болалар касалхонасини таъмирлашга маблағ ажратди.

Бундай саховатпеша, фидойи аёллар воҳада жуда кўп. Хива туманидаги «Нодирабегим» хусусий фирмаси чеварлари қўлида жило топган кийим-кечакларнинг довруғи вилоятга ёйилган. Фирма раҳбари Р.Отажонованинг ташаббуси билан 15 та янги иш ўрни яратилди.

Янгиариқ туманининг Каттабоғ қишлоғида Қувончой Каримова бошқараётган «Исломбек» хусусий корхонасида зардўзлик, Ирода Саъдуллаева раҳбарлигидаги жамоада эса сопол идишларга безак бериш касблари ўрганиляпти.

Шовот туманида 335 нафар аёл тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. «Белмоторсервис» хусусий корхонаси ҳузуридаги «Ихлос» аёллар марказида катталар ва болалар учун хушбичим кийим-кечаклар, мева-сабзавот консервалари тайёрланади.

«Шабнам» хусусий сут ошхонаси болаларга сифатли ва тўйимли сут маҳсулотлари етказиб бермоқда. Фароғат Шерова раҳбарлик қилаётган кичик жамоанинг ҳимматидан ҳамма мамнун. «Гулиором» хусусий фирмаси Хивадаги «Мурувват уйи» биносини таъмирлашни ўз зиммасига олган.

— Кейинги икки йил ичида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида кўп иш қилинди, - дейди Хива туманидаги «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Назира Бекжонова. - 15 та хусусий фирмага 1 миллион сўмдан 3 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилди. «Бизнес фонд» ёрдами билан тадбиркор аёлларимизга 10 та «Пфаф-Зингер» фирмасининг замонавий тикув машиналарини лизинг шартномаси асосида олиб бердик.

Вилоятда тадбиркор аёлларнинг меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳузурида ахборот маслаҳат маркази ва юридик хизмати фаолият кўрсатаяпти. Аёлларимизнинг иқтисодий билимларини ошириш, бизнес режалари тузишда яқиндан кўмаклашмоқда. Вилоят хотин-қизлари ўртасида кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган семинар-кенгашда илғор тажрибалар оммалаштирилди, галдаги режалар белгилаб олинди.

Хоразмлик аёллар орасида ташкилотчи ва ташаббускор кишилар кўпчиликни ташкил этади. «Феруз» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти раҳбари Клара Жумамуродова бир вақтлар қолоқ бўлган корхонани юксалиш йўлига олиб чиқди. Ҳиссадорлик жамоаси ҳузурида «Бизен-труд» масъулияти чекланган жамият ташкил этилиб, 100 нафардан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни пайтда «Азияттекстил Лимидет» қўшма корхонаси ташкил қилиниб, харидоргир моллар ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоят ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари воҳанинг олис қишлоқлари ва маҳаллаларида мулоқотлар уюштириб, фуқароларни тадбиркорликка жалб этиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Қўшкўпирлик Саломат Машарипова етакчилик қилаётган «Олмос» хусусий корхонаси аҳолига 22 миллион сўмлик турли йўналишда хизмат кўрсатди ва 7 миллион сўмга яқин фойда олди. Худди шу тумандан Саломат Матназарова бошлиқ «Санжарбек», Нозик Оллаберганова раҳбарлик қилаётган «Оқбулоқ» фермер хўжалиги, Урганч туманидаги Мақсуда Абдуллаева бош бўлган «Аббосбек» хусусий фирмаси жамоаларининг иш тажрибалари оммалаштирилди.

Вилоятнинг қалби дарё, меҳри қуёш хотин-қизлари тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес, халқ бадиий ҳунармандчилигини ривожлантиришда ташкилотчи ва ташаббускор бўлишаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**





*Пойтахтимиздаги «Днисс» масъулияти чекланган жамият томонидан тайёрланган 6 турдаги маҳсулотлар бино ва кўчаларни ёритиб турибди. Омилкорлик кўрсатиб ишлаётган 30 дан зиёд мутахассислар доимо халқ хизматида.*

***Суратда: моҳир уста Рустам Маҳмудов.***

**Ғулом ХИДИРОВ олган сурат.**

*Қарор ва ижро*

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масала бўйича қабул қилган Қарорини бажариш юзасидан ибратли тадбирлар амалга ошириляпти.***

# ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ ХОДИМИ

## У ўз бурчини қандай бажармоқда

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда уруш қатнашчилари ва ногиронлари, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари, байналмилал жангчилар, болаликдан ногиронлар ва ижтимоий жиҳатдан ёрдамга муҳтож кишилар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кафолатланган. «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури ҳукуматимиз кўрсатаётган меҳрибонликнинг яна бир яққол исботидир.

Туман ижтимоий таъминот бўлими ўз вазифасидан келиб чиқиб пенсионерлар тўғрисида ғамхўрликни кучайтирмоқда. Айни пайтда 5861 нафар киши пенсия ва нафақа билан таъминланган. Шундан ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кексалар 20 нафарни ташкил этади. Уларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари ойма-ой бериб борилмоқда.

Пенсия тўловларини ҳисоблаш компьютер воситасида амалга оширилади. Ҳомийлар ёрдамида муҳтож кишиларга 9 та ногиронлик аравачалари олиб берилди.

Тузилган дастурга мувофиқ 300 нафар кишининг пенсияси оширилди. Ўзгалар ёрдамига муҳтож якка-ёлғиз пенсионерлар тумандаги корхона, ташкилот ва жамоа ширкат хўжаликлари ҳомийлигига олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида хотин-қизлар мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича ўз режаларимизни белгиладик. Қишлоқ ва маҳаллаларда яшаётган аёллардан 3200 нафари пенсионерлардир.

Халқимиз азалдан бир-бирига меҳр-мурувватли ва оқибатли. Бемор ва муҳтожларга беғараз ёрдам бериш урф-одатга айланган. Тўшакдан тура олмайдиган ва оғир аҳволда бўлган кексаларга ижтимоий хизмат ходимлари бириктилган. Вақти-вақти билан уларнинг аҳволидан хабар олиб турамиз.

Ижтимоий таъминот бўлими ҳисобида 366 нафар вояга етмаган ногирон болалар туради. Шундан 27 нафари етим боладир. Уларга тиббий хизмат кўрсатилиб, соғлигини муҳофаза қилиш қатъий назоратга олинган. Ходимларимиз оилаларда балоғатга етмаган ўсмирлар ва уларнинг ота-онаси билан ёшлар тарбияси хусусида мулоқотлар ўтказмоқдалар.

Қариси бор уйнинг париси бор, дейдилар. Туманимизда 17 нафар юз ва юз ёшдан ошган қария яшайдилар. Янги Нишон шаҳридан Нурмат бобо Қувватов, А.Қодирий номли жамоа хўжалигидан Гулсум момо Маҳматқулова, Зилол момо Хўжақулова, «Пахтаобод» хўжалигидан Ойимхон момо Ибрагимова, «Туркманистон»дан Зевар момо Ашурова, «Самарқанд» хўжалигидан Ҳадича момо Кенжаева каби табаррук кексалар ҳамиша эл ардоғида.

Туманимиз бўйича бир ойда 60 миллион сўмлик пенсия ва нафақалар тарқатилмоқда. Почта-алоқа боғланмаси ходимлари билан «Балхияк», «Ширинобод», У.Юсупов, Ибн Сино номли хўжаликларда бўлиб, пенсияларнинг тўланиши ўрганилди ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Ҳукуматимизнинг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 54 нафар киши электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва бошқа коммунал тўловлардан озод қилинди. Уларга ҳомийлар томонидан 330 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилди ва дори-дармон билан бепул таъминланди.

Кучли ижтимоий сиёсат халқнинг барча қатламларини муҳофаза қилишга қаратилган. Ижтимоий таъминот ходимлари ёрдамга муҳтож ҳар бир кишини талабига яраша хизмат қилиш учун ҳамиша камарбаста.

**Ф.БУЗРУКОВА,**
**Нишон туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи.**

# КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ТАБАҚА

## доимий эътиборда

***Хўжалигимиз тумандаги йирик меҳнат жамоаларидан. Ялпи маҳсулот миқдори ошиб, даромад кўпайиб бораётганлиги меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш имконини бермоқда.***

Касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан тузилган жамоа шартномасининг бандма-банд бажарилишини таъминламоқда. Илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилаяпти. Шартнома режаларини ошириб бажарган Ашур Шарипов, Ҳамро Турсунов, Арслон Ёдгоров, Музроб Жумаев каби ижарачилар меҳнатига яраша тақдирланди.

### Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

Меҳнатни муҳофазалаш, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши, ишловчи хотин-қизларга қулайлик яратиш масалалари қатъий назоратга олинган. Мавжуд 21 та дала шийпони таъмирланиб, ишчилар учун қулай шароит яратилди.

Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялаш асосий ишимиздан бири. Қишлоқдаги умумтаълим мактабининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дарсликлар ва кўргазмали қуроллар харид қилиш учун 1 миллион сўм сарфланди.

Хўжалик ҳудудида истиқомат қилаётган 32 та кам таъминланган оила ва 20 нафардан ортиқ ёлғиз қарияларга 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Қ.Муродов, С.Авазов, Б.Кенжаева, А.Комилов каби нафақахўрларни доимо қўллаб-қувватлаб турибмиз.

Ташкилотимиз ҳисобида 850 нафар касаба уюшма аъзоси бор. Қўмита йиғилишларида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, янги иш ўринлари яратиш, одамларга ҳақ тўлаш, меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш масалалари муҳокама қилиниб, муаммолар ўз ўрнида этилмоқда.

**Қамарой ЭШНИЁЗОВА,**
**Жондор туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг раиси.**

***Бир замонлар Конимехда газ ёнибди, деган гап эртак бўлиб туюларди. Кейинги ўн йилда туман маркази ва олис ширкат хўжаликларига ўтказилган газ қувурларида оқаётган "зангори олов" чорвадорларнинг оғирини енгил қилаётир.***

# ОЛИС ОВУЛЛАРДА ГАЗ ЁНМОҚДА

-Бугунги кунда ҳудуди ва аҳоли сони жиҳатидан вилоятда етакчи ўринда турган туманимиз халқининг аксарияти газдан фойдаланмоқда, - деди Конимех тумани газ таъминоти идораси филиали директори Эркин Кенжаев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Рақамларга мурожаат қилсак, бугунги кунда туманда 3900 хонадон газлашган бўлиб, бу жами аҳолининг 73 фоизини ташкил этади.

Эркин Кенжаевнинг таъкидлашича, туманнинг Сарибел, Саржал, Шўркўл, Ҳ.Олимжон, Чордара ширкат хўжаликларига 187 километр масофада газ қувурлари тортилган. Туман марказининг ўзида эса 45 километр масофада юқори, ўрта ва паст босимли газ қувурлари ўтказилган.

Ўтган йили туманда 50миллион 604 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Жорий йилда газ таъминоти идораси Сарибел ширкат хўжалигининг Ўрозжон овулини газлаштиришни режалаштирмоқда.

**"Туркистон-пресс".**

# ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙДИ

"Хизмат" хусусий корхонасида тайёрланаётган дарвоза, эшик ва темирдан қилинаётган бошқа турли кўринишдаги безакли маҳсулотларга Шўрчидан ташқари вилоятнинг кўпгина туманларидаги мижозлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Қулайлик томони шундаки, корхона фақат буюртмачиларга маҳсулот тайёрлаб берибгина қолмай, уларни жойларга бориб ўрнатиб ҳам беради. Корхона раҳбари Йўлдош Маматқўзиевнинг гапига қараганда худди шу йўсинда ўтган йили Жарқўрғон, Қумқўрғон, Денов, Сариосиё, Узун туманларида 20 миллион сўмга яқин ишлар бажарилди. Шунинг 1,5 миллион сўмини соф фойда ташкил этган.

Табиийки, сифатли маҳсулотлар буюртмачилар сонини кўпайтириш билан бирга корхонанинг имкониятларини кенгайтирмоқда. Аҳолига беминнат хизмат кўрсатишга аҳд қилган "Хизмат"чилар жорий йилда фойда ҳисобидан иккита дўкон қуришни ният қилган.

*2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили*

# УЛАРНИНГ БОРИГА ШУКУР

Қарияларни қадрлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу йўналишда кўплаб жамоат ташкилотлари сингари «Нуроний» ҳамда «Маҳалла» жамғармаларида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

— Жамғармамиз хоналари деярли ҳар куни отахону онахонлар билан гавжум, — дейди «Нуроний» жамғармасининг Оҳангарон шаҳар бўлими раиси Акром Аъзамов. — Улар турли масалаларда маслаҳатлашиш мақсадида келадилар. Бугунги кунда рўйхатимизда турувчи 4800 нафар пенсионернинг 64 нафари уруш қатнашчисидир. Улар ҳолларидан доимо хабардор бўлиб турамиз. Уруш қатнашчилари, ногиронлари ва уларга тенглаштирилган кишиларни ҳомийлар томонидан ажратилган совғалар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлаш анъанага айланган. 20 нафар кишига сиҳатгоҳларга бориш учун бепул йўлланмалар бердик.

Яқинда жамғарма ташаббуси билан 30 нафар кам таъминланган кишиларга моддий ёрдам ташкил этилди.

Ёшларимизни қарияларга бўлган ҳурматларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жумладан, «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан шу мавзуда шаҳар мактабларида иншолар танлови ўтказилди. Ғолибларга жамғарма таъсис этган мукофотлар топширилиб, энг яхши ёзма иш шаҳар газетасида чоп этиш учун тавсия этилди.

Коммунал-маиший хизмат кўрсатишда отахону онахонларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 нафар кишига сув ҳисоблагичлар бепул берилди. Таъкидлаш керакки, бундай юмушларни амалга оширишда «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз яхши натижалар бермоқда.

— Албатта, - дея суҳбатни давом эттиради «Маҳалла» жамғармасининг Оҳангарон шаҳар бўлими раиси Холжўрабек Раҳмонов. — Маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам фахрийлар, айниқса, моддий ёрдамга муҳтож бўлган кишиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Қўрғон маҳалласининг оқсоқоли Шавкат Зиёвутдинов ташаббуси билан Оҳангарон дон маҳсулотлари комбинати томонидан улар учун ҳомийлик ёрдами ажратилди. Аксарият қариялар 5 минг сўмдан моддий кўмак олдилар. Улардан 15 нафарига гилам ҳадя қилинди. Кексаларимиз ҳар бир маҳалланинг доимо эътиборида, эъзозида. Эндиликда уларни айрим турдаги коммунал хизмат тўловларидан озод этишни режалаштирганмиз.

Маҳаллалардаги хотин-қизлар қўмиталари ҳам бу борадаги фаолиятларини намунали йўлга қўйганлар. Улар ташаббуси билан яқинда шаҳарнинг энг табаррук онахонларидан бири, юз ёш билан юзлашган Тожи момо Ўтбосарова хонадонида бўлиб таваллуд куни муносабати билан совғалар топшириб қайтдик. Ҳозирда 70 ёшдан ошган кишилар рўйхатини тузаяпмиз. Мақсадимиз — яқинлашиб келаётган байрамлар арафасида уларни бир пиёла чойга таклиф этиб, кўнгилларини олиш.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Бухоро вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма қўмитасида тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳамда касаба уюшма фаоллари ўқувини ташкил этиш анъанага айланган. Вилоят касаба уюшма қўмитасининг жорий йилдаги иш режасига мувофиқ барча туман ва шаҳарларда ўқув семинарлари бўлиб ўтди. Уларда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан бир қаторда маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, кадрлар бўлими, муҳофазаси мутахассислари, касаба уюшма ташкилотлари раислари ва фаоллар иштирок этдилар.

# КАСАБА УЮШМА КАДРЛАРИ ЎҚУВИ

— Мазкур ўқув-семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг III-Қурултойи қарорлари ва ҳужжатлари асосида олиб борилаётган ишлар, Меҳнат Кодекси талаблари бўйича меҳнат шартномалари тузиш, ходимларни ишга қабул қилиш, меҳнат дафтарчаларини юритиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни кучайтириш каби масалалар кўриб чиқилди, - дейди вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг ташкилий ишлар бўлими мудири Б.Саидов. — Шунингдек, меҳнат ва бандлик, жамоа шартномалари, касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам йиғилганларнинг диққат марказида бўлди. Бу борада касаба уюшмаларининг вилоят адлия, давлат солиқ бошқармалари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бош бошқармаси каби ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатаётгани таъкидланди.

**М.ЎРМОНБЕКОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Қаҳрамонлар орамизда*

**Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида Республика Президентининг Фармонига кўра бир гуруҳ юртдошларимиз юксак мукофотлар билан тақдирландилар. Улар орасида Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти Бухоро филиалининг катта илмий ходими, Беруний мукофоти совриндори, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Аухат Баталов ҳам бор эди. У кўп йиллик самарали меҳнати эвазига «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.**

# ЗИММАДАГИ ҚАРЗ

Ҳозирга келиб олим ўз ўтмишини тез-тез эслаб туради.

...Аухат оилада еттинчи фарзанд эди. Ўғлини серқуёш Ўзбекистонга кузатишга чиққан ота Уфа шаҳри вокзалида уни бағрига қаттиқ босаркан, кўзлари беихтиёр ёшланди.

— Илоҳим, омадингни берсин, болам, нима бўлганда ҳам кўпнинг дуосини олишга интил, шунда униб-ўсиб муродга етасан. Ахир, кўпнинг дуоси — кўл дейдилар-ку...

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, дадажон. Ҳаммаси сиз айтгандек бўлади.

Орадан икки кун ўтар-ўтмас татар ўғлонининг иккинчи она юрти бўлмиш Ўзбекистондаги жўшқин дамлари бошланди. У пойтахтнинг Нўғайқўрғон мавзесидаги мактабда ўқишини давом эттирди. Кейинчалик Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг Селекция ва уруғчилик факултетини имтиёзли диплом билан битирди.

А.Автономов, Н.Салоҳиддинов сингари етук олимлар йигитнинг иқтидорини сезиб, уни ғўза селекцияси бўйича аспирантурага кириб ўқишга ундашди. Бу ерда у Акром Дадабоев, Наталья Смангульянга ўхшаш фан заҳматкашлари ҳурматини қозонди. Орадан сал ўтгач, А.Баталов селекция ишлари олиб бориш учун Бухорога юборилди. Катта илмий ходим сифатида изланишларга шўнғиб кетган бўлғуси олим турлараро дурагайлаш устида узоқ вақт иш олиб борди.

Кунларни тунларга, тунларни тонгларга улаб қилинган меҳнат ўз самарасини берди. У 1984 йилда «Бухоро—6» навини яратишга муваффақ бўлди. Мазкур нав майдонлари тобора шўрланиб бораётган воҳа шароитида бошқа навларга нисбатан гектарига 4,5-6,5 центнер кўп ҳосил бериши, толасининг пишиқ-пухталиги, вильтга чидамлилиги билан фарқ қиларди.

Кейинги йилларда республикада пахта мойи масаласига жиддий эътибор бериш зарурати туғилди. Гарчи хомашё салмоғи йилдан йилга ошаётган бўлсада, чигитдан ўсимлик мойи олиш камайишда давом этарди. «Бухоро—6» нави айни шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилиши билан олимлар, мутахассислар, технологлар эътиборига тушди. Шу боисдан бўлса керак, синаш даврининг иккинчи йилидаёқ Бухорода каттагина майдонларни ишғол этган «Тошкент» навлари билан ёнма-ён мазкур навни ҳам экишга киришилди.

Ўшанда Қоракўл туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигининг 9-бригадаси бошлиғи Ражаббой Отамуродов барча майдонга ҳеч иккиланмай «Бухоро—6» уруғини қадаганини ҳали-ҳануз айтиб юришади.

—Ҳали тўла-тўкис ўрганилмаган навни ёппасига экишга ким сизга рухсат берди?! Бу ишингиз учун жавоб беришингизга тўғри келади,— кесатиб гапирди тумандан келган текширув гуруҳи раҳбарларидан бири.

— Ишонмасак шу навни экармидик, — ийманибгина жавоб қайтарди саркор.

Ҳа, ўша кезларда деҳқонларга ҳам, нав яратувчига ҳам осон бўлмади.

Аухат ҳаммасига чидади, бардош берди. Лекин умидсизликка тушмади. Нигоҳидан қатъият, қалбининг қатқатида мавж уриб турган ишонч сўнмади.

Ниҳоят, Бухоро вилоят раҳбарияти мазкур навни ўзлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Вилоятда 75-80 фоиз майдонга ушбу нав чигит экилди.

Қуйидаги хулосалар ҳам ушбу навнинг истиқболли эканлигини тасдиқлайди:

Бахтиёр Раҳматов — Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Бухоро филиалининг раҳбари:

— «Бухоро—6» агротехник бузилишларга йўл қўйилган шароитларда ҳам бардошли нав эканлигини кўрсатди. Шунга қарамай у юқори ҳосил бериши билан ажралиб турди.

Раҳмат Аҳмедов — профессор:

Ушбу нав билан қўшни вилоятларнинг пахтакорлари ҳам қизиқиб қолишди. 1997 йилда Қизилтепа туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги айнан шу навни экиб, катта ютуққа эришди.

Билим ва тажрибасини республика пахтачилиги ривожига бахшида этаётган фидойи инсон Аухат Баталов ҳамон изланишда. У истиқболда янги навлар яратиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқда.

**Усмон НАВРЎЗ.**

*Касаба уюшмалари шифо масканларида*

# «ЧИМЁН» — ФАРҒОНА «МАЦЕСТА»СИ

Сочи ҳақида гап кетганда Кавказдаги «Мацеста» санаторийси жуда мақталади. Чунки у олтингугуртга бой маъданли суви, субтропик иқлими, гўзал табиати билан машҳур. Лекин, серқуёш Ўзбекистонимизда ҳам «Мацеста»дан қолишмайдиган сиҳатгоҳ борлигини ҳамма ҳам билмайди.

Олой тоғ тизмаларининг Қатронтоғ этакларида, Марказий Фарғонанинг жанубий қисмида, денгиз сатҳидан 700 метр баландликда, хушҳаво адирлар оралиғида жойлашган «Чимён» санаторийси ана шундай сиҳатгоҳлардан биридир. Қуёшнинг нур сочиб туриши Сочи ва Кисловодскда 2100 соатдан кўпроқни ташкил этса, Чимёнда 2500-2700 соатга тенгдир. Шу боис, «Чимён»ни Фарғона «Мацеста»си, деб таърифлашади.

«Чимён»да минг дардга даво бўлувчи шифобахш маъданли сув қачон пайдо бўлган? Маълум бўлишича, Сочининг «Мацеста» оромгоҳида қўлланиб келинган айнан шундай «мўъжизавий сув» Чимёнда нефт қидирувчилар томонидан тасодифий топилган.

Нефтчилар бир куни лол қолишди. Орзиқиб кутилган нефт ўрнига ер остидан қандайдир яшил-қорамтир, ўткир ҳидли, истеъмол қилишга яроқсиз иссиқ сув фаввораси отила бошлади. Кончилар сув нафасининг қайтишини бир неча ўн кунлаб кутишди. Нефтдан дарак бўлмагач, ҳафсалалари пир бўлиб, жойни ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Очилган иссиқ сув манбаи эса ўз ҳолича қолиб кетди.

Қарияларнинг ҳикоя қилишларича, бозордан оғир юк ортиб келаётган бир киши от-араваси билан йўл четида пайдо бўлиб қолган қора ҳалқоб сувга ағдарилиб кетади. Йўловчи арава ва юкларни бадбўй сувдан чиқариб олиш учун анча овора бўлади. Унга ёрдам бермоқчи бўлганлар ҳам шу сувда «чўмилиш»га мажбур бўладилар. Улардан бири баданидаги тошма сув таъсирида тузалиб бораётганини ва ўзини бардам ҳис қилаётганини сезиб, сувда яна ювинади. Бундан ташқари, сувга ботган отнинг оёғидаги қўтир йўқолиб, териси майинлашгани маълум бўлади. Бу воқеалардан сўнг шифобахш сувдан маҳаллий аҳоли тери касалликларини даволашда кенг фойдалана бошлайди.

Кейинчалик олимлар томонидан шифобахш сув ва маҳаллий иқлим чуқур ўрганилди. 1947 йилда Чимён қишлоғидаги ана шу мўъжизавий булоқ ёнида олтингугуртга бой маъданли сув муолажалари ёрдамида ревматизм, экзема, бод, бўғин ва юрак-қон томир касалликлари, қон алмашинувининг ёмонлашуви каби хасталикларни даволовчи кичик шифохона ташкил этилди. Бир неча йилдан сўнг у бальнеологик шифо масканига айлантирилди. Ва ниҳоят 1979 йилда «Чимён» санаторийсига асос солинди. Шундан бери Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли мазкур сиҳатгоҳда минглаб ҳамюртларимиз ва ҳатто хорижликлар ўз саломатликларини тикламоқдалар. Улар «Чимён»да ўзларига кўрсатилаётган малакали тиббий хизмат ва яратилган шароитлардан ғоят мамнунликларини билдирмоқдалар. Бунда оромгоҳ очилганидан бери бош ҳаким вазифасида ишлаб келаётган Карим Раҳмоновнинг ҳиссаси каттадир. Чунки, у сиҳатгоҳни сўлим ва гўзал масканга айлантириш, билимли, тажрибали шифокорлар сафини кенгайтириш каби хайрли ишларда бош-қош бўлиб келмоқда.

— 550 нафар кишига мўлжалланган сиҳатгоҳимизда даволанувчиларнинг дам олиб, саломатликларини тиклашлари учун барча шароитлар яратилган, - дейди бош ҳаким. — Хусусан, бу ерда икки қаватли замонавий даволаш биноси мавжуд. Табиий манбалар билан таъминланган муолажа бўлимлари, электр, олтингугуртли ва гиёҳли ванналар, балчиқ, шам-тоғ мўми ёрдамида даволаш, уқалаш хоналари, тош ҳовузли ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, гинекология, андрология, стомотология, игна билан муолажа қилиш, таҳлил, фитобар, спорт ва бадан тарбия хоналари беморларнинг шифо топишига ёрдам бермоқда. Шинам ошхона, қишки кинотеатр, кутубхона, рақс клуби, билиардхона, маданият саройи, бар, чойхона, почта ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ҳам дам олувчилар хизматида.

— Мен Қўқон шаҳридан келганман, - деди Шавкат Иброҳимов. — Касбим қурувчи. Ишимиз очиқ ҳавода бўлганлиги боис оёғим шамоллаб қолди. Шифокорлар «Чимён»га боришимни тавсия қилишди. Бу ерга келганимга унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан балчиқ, парафин, уқалаш муолажаларидан кейин ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман.

—Бу ерга уч йилдан бери келаман, - дея суҳбатни давом эттирди ёши етмишдан ошган Сайдулла ота Шертоев. — Ўзим Паркент туманида яшайман. Ўзимизда ҳам дам олиш ва даволаниш масканлари кўп. Лекин, мен дардимга «Чимён»да шифо топяпман. Кези келганда, соғайишимга яқиндан ёрдам бераётган бош ҳакимнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Лазокат Боймирзаева, шифокорлардан Иқболхон Хўжаева, Иномжон Эргашев, ҳамширалар Отихон Ҳусанова, Насиба Эгамбердиева, ва бошқаларга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Эргаш ота Ҳожиев ҳам Паркент туманида истиқомат қилади. 9 нафар фарзанди, 28 нафар невараси бор. Бели ва оёғи оғригани боис, ушбу сиҳатгоҳга келиб, даволаняпти. Отахоннинг таъкидлашича, илгари ҳам кўплаб санаторийларда дам олган. Аммо бу ерда яратилган шарт-шароитлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шунинг учун келганига энди 10 кун бўлишига қарамай у ўзини тетик ҳис қилмоқда.

Мустақиллик йилларида санаторийда кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбариятининг бевосита ёрдами билан хоналар таъмирланиб, кенгайтирилди. Натижада, жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи «люкс» хоналар ташкил қилиниб, музлатгич, телевизор, гилам, ётоқхона ва юмшоқ мебеллар билан жиҳозланди.

Сиҳатгоҳда, айниқса, оналар ва болаларни соғломлаштириш учун қулай шароитларнинг яратилгани алоҳида аҳамиятга эгадир. Уларга 3-бўлимнинг 1 ва 4-қаватларидаги хоналар ажратилиб, таъмирдан чиқарилди. Болалар беш маҳал, дармон дориларга бой овқат билан таъминланадилар.

Хулоса қилиб айтганда, «Чимён» сиҳатгоҳида даволанган беморлар дардларидан фориғ бўлиб, уйларига қайтмоқдалар.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Фахр*

**— Йўлинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар, - дейди халқимиз. Зеро, манзилга тез ва соз етиб олишда йўлларнинг аҳамияти катта. Буни Усмон Юсупов туман автомобил йўллари бошқармасида жуда яхши билишади.**

## ЙЎЛИНГИЗ РАВОН БЎЛСИН

Туман ҳудудидан ўтувчи 101 километр республика аҳамиятига молик йўлларни таъмирлаш ва фойдаланиш учун бир мунча ишлар амалга оширилгани фикримизнинг далилидир. Бундан ташқари 21 километр вилоят ва 9 километр масофадаги туман миқёсидаги йўлларни таъмирлаш ва фойдаланиш учун йўлсозлар астойдил ишлашларига тўғри келди.

— Бултур 63 миллион сўмлик иш бажаришимиз лозим эди, - дейди жамоа раҳбари Жўра Сариқов. — Бу кўрсаткич ошириб адо этилди. Жамоа аҳли «Қарши-Қамаши-Ғафур Ғулом», «Бешкент-Чандир-Жейнов», «Бешкент-Янги-Миришкор» йўналишидаги автомобил йўлларида таъмирлаш ишларини олиб бордилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қурилган бекатлар йўловчилар учун қулай ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Жейнов, Айзавот, Янги-Миришкор қишлоқларида фойдаланишга топширилган бекатлар ҳар томонлама қулай, савдо расталари, маиший хизмат хоналари мавжуд бўлган бу бекатларда йўловчиларга хизмат кўрсатилади. Бекатларни қуришда Китобдаги «Ёшлик» жамоа корхонаси маъмурияти билан келишилган ҳолда иш юритилди. Бежирим устунчалар тайёрлаб бераётган корхона ишчилари ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганлар.

Жамоада меҳнат қилаётганларнинг 55 нафарини ишчилар ташкил қилади. Уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш корхона касаба уюшма қўмитаси диққат-марказида турибди. Касабақўм раиси Мамаюсуф Алиев жамоа шартномасида қайд этилган бандларнинг бажарилишини алоҳида масъулият билан назорат қилади. Йўлсозларнинг мазмунли дам олишларини ташкил этиш, саёҳатлар ташкил этиб, фахрий ва ногиронлар кўнглини олишдек савобли ишлардан барча мамнун. Кўп йиллар жамоада меҳнат қилган Эшонқул Файзиев, Рашид Қурбоновларга ҳурмат кўрсатилиб, улар тантанавор бир кайфиятда нафақага кузатилди, совға-саломлар улашилди. Инсон қадри ҳамма нарсадан устун. Зеро, меҳр-оқибат бор жойда иш ҳам бароридан келади.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ҚОНУНБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИБ...

Сирғали тумани ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими ёшлар билан ишлаш борасида хотин-қизлар қўмиталари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда самарали иш юритмоқда. Тезкор чора-тадбирлар ижобий натижалар бераётир.

— Туманда 215 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 25 фоизи ёшлар ва вояга етмаганлардир. Мавжуд 33 та маҳаллалдаги участка инспекторлари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боряпмиз, — дейди бўлим катта инспектори, милиция катта лейтенанти Зоҳиджон Кабиржонов. — Айниқса, 23 та мактаб ва 5 та коллеж бизнинг алоҳида диққат-эътиборимизда. Ёшларни ижодиёт уйи, спорт мажмуаси, «Ватанпарвар» ташкилотининг мерганлик, авиамоделчи ва шунга ўхшаш тўгаракларига жалб этяпмиз.

Ўтган йили туманда 86 та жиноят содир этилган бўлиб, улардан 40 нафари мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, 49 нафари эса меҳнатга лаёқатли бўла туриб, ишламай юрган ёшлар томонидан содир этилган.

Бўлимда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тузилган «Ўспирин», «Орият», «Турмуш» каби тадбирлар асосида туман прокуратураси, тиббиёт муассасаси, билим юртлари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик билан биргаликда бир қатор ишлар олиб борилаётир.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, ҳудудда жойлашган ресторан, кафе, бар ва дискотекалар мунтазам равишда кузатилиб бориляпти. Ўз хулқ-атвори билан аҳоли тинчлигини бузаётган ўспиринлар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўриляпти, профилактик ишлар олиб бориляпти. Прокуратура ходимлари ёрдамида ўтказилаётган тадбирлар давомида барча ўқув юртларида ҳуқуқий маданиятни оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Беҳаё, шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи кино ва видеофильмлар, зарарли нашрлар, вояга етмаганлар онгига салбий таъсир қилувчи бошқа воситалар тарқалишининг олдини олиш борасида ҳам бир талай тадбирлар ўтказилаётир.

**О.САИДОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратларда: Милиция катта лейтинанти З.Кабиржонов (чапда) ва милиция капитани С.Мадраҳимов вояга етмаган ёшлар билан суҳбатда. И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**



# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ОСИЁ БЎЙЛАБ САФАР

АҚШ президенти Жорж Буш Осиё давлатлари бўйлаб сафарини давом эттирмоқда. У дастлаб Японияга келди. Ташриф жараёнида Ж.Буш бош вазир Дзюнъитиро Коидзуми билан учрашиб, халқаро террорчиликка қарши кураш, Японияни иқтисодий инқироздан чиқариш йўллари, икки томонлама алоқалар ривожи, шунингдек, ракетадан мудофаа тизими ва иқлим ўзгариши муаммоларини бартараф этиш каби мавзулар доирасида фикр алмашди. АҚШ Японияга ракетадан мудофаа тизимини яратишда ҳамкорлик қилишни таклиф этмоқда. Расмий Токио эса Оқ уй маъмуриятини Киото протоколини ратификация қилишга ундамоқда. Ж.Буш бу масалада АҚШ ўз режа ва дастурлари асосида иш кўражаклигини айтди.

АҚШ президенти Токиодан Жанубий Кореяга жўнаб кетди. Олий даражадаги меҳмон у ердан Хитой Халқ Республикасига ўтади.

## САЙЛОВДАН ОЛДИНГИ МАШМАША

9-10 март кунлари Зимбабведа президентлик сайловлари бўлиб ўтади. Аммо бу тадбир олдидан мамлакат ичкарисидаги сиёсий аҳвол унчалик турғун бўлмай турибди. Мухолифатчилар билан амалдаги президент Роберт Мугабе тарафдорлари ўртасидаги «даҳанаки жанглар» ҳамон тинганича йўқ. Сайловларнинг боришидан воқиф бўлиш учун келган халқаро кузатувчилар ҳам ҳозирги вазиятдан ҳайрон. Оврўпо Иттифоқидан келган вакилларнинг мамлакатдан чиқариб юборилиши бошқа давлатлар билан Зимбабве ўртасига совуқчилик туширмоқда. Куни-кеча эса Жанубий Африка Республикасидан яна 50 нафардан зиёд кузатувчилар келдилар.

## ЭЛАТЛАРАРО МОЖАРО

Конго Демократик Республикаси (КДР) шарқида ўзаро нифоқда бўлган ленду ва хема элатлари ўртасида яна қонли тўқнашувлар бошланди. Хабарларга кўра, ўтган ҳафта охирида рўй берган қуролли ҳаракатларда 200 киши ҳалок бўлган. Мамлакатнинг шарқий қисми ҳукуматга қарши бўлган қуролли гуруҳлар назорати остида. Ҳукумат вакилларининг айтишича, улар қўшни Уганда ва Руандадан ёрдам олиб турибди. Шу боис зиддиятни бартараф этиб, барқарорлик ўрнатиш қийин бўлмоқда.

## ЗАМОНАГА МОСЛАШИБ...

Баҳрайнда замонавий шабада эса бошлади. Амир Ҳамад бин Исо ал-Халифа яқинда мамлакатнинг янги конституциясини тасдиқлади. Унга кўра эндиликда бу давлат конституцион подшоҳликка айланади. Бироз муддатдан кейин бу ерда парламент ва минтақавий сайловларнинг ўтказилиши режалаштирилмоқда.

## ҚУРОЛЛИ ГУРУҲЛАР ЎРНИГА ПОЛИЦИЯЧИЛАР

Афғонистон шимолидаги учта этник гуруҳ раҳбарлари Балх вилояти маъмурий маркази — Мозори-Шариф шаҳри хавфсизлигини таъминлаш бўйича келишувга эришди. Унга кўра, қуролланган гуруҳлар бир неча кун ичида шаҳарни тарк этиши лозим. Улар ўрнини полиция кучлари эгаллаши кутилмоқда.

## ТЎҚСОН ҚОПДА «АЖАЛ УРУҒИ»

Канада ҳарбий кемаси яқинда Араб денгизида гиёҳванд модда ортилган кемани ушлади. Канада миллий мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, кема юкхоналаридан «ажал уруғи» жойланган тўқсонта қоп топилган. Юкнинг нархи 70 миллион АҚШ долларига тенг, деб ҳисобланмоқда.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

## ЯНГИ СУВ ИНШООТИ

Воҳада вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан экин экиладиган майдонларда сув таъминоти ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қумқўрғон тумани ҳудудидан оқиб ўтадиган Оққапчиғай канали янги навбатининг бунёд этилаётганлиги айнан ана шу мақсадга қаратилган. Уч ойдан бери юқори суръатлар билан қурилиши давом этаётган катта сув иншоотини "Сурхондарёқурилишмонтаж" бошқармаси, "Шерободсувқурилиш" трестига қарашли қурилиш жамланмалари ва вилоятдаги сув таъминотига дахлдор бўлган бошқа ташкилотларнинг азамат қурувчилари бунёд этишмоқда.

Оққапчиғай канали янги навбатининг ишга туширилиши Наврўз умумхалқ байрами кунига мўлжалланяпти. Шунда Шеробод, Бандихон, Денов туманларига қарашли минглаб гектар экин ерларида сув таъминоти яхшиланиб, муаммолар барҳам топади.

*Меросимизни ўрганамиз*

# ШЕЪРИЯТ ЧЕЧАКЛАРИ АСЛО СЎЛМАЙДИ

Хўжа Ҳофиз номи билан жаҳоний шуҳрат қозонган Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий 1325 йилда туғилган. Шоирнинг ёшлиги қийинчилик ва етимликда кечади.

Шероз ҳунармандлари орасида шеърият кечалари, шеърхонлик давралари кенг тарқалганди. Ёш Муҳаммад ҳам бу davраларда иштирок этар ва баъзан ўз шеърларидан намуналар ўқир эди. Лекин унинг шеърий машқлари ҳали хомлиги ва қиёмига етмаганлигидан кўпинча танқидга учрар, шинавандаларнинг ҳазил-мазахларига сабаб бўлар эди. Уни баъзан эрмак қилиш учун бундай ўтиришларга атайин чақирганлар. Бу мазах-таҳқирлардан безган ёш қаламкаш бир куни машҳур шайх ва шоир Бобо Кўҳийнинг қабрини зиёрат қилиб, ўзининг толеидан ўксиб йиғлаганча мозор бошида ухлаб қолади. Тушига бир нуроний зот кириб: «Йўлга туш, сенга илм эшиги очилди», - дейди. Ҳофиз кўзини очар экан, тилида қуйидаги матлаъли ғазал айланади:

***Дўш вақти саҳар аз ғусса начотам доданд,***
***Вандар он зулмати шаб обиҳаётам доданд.***

Мазмуни:

***Кеча саҳар палласида мени қайғудан***
***халос айладилар,***
***Ва у зулмат тунида менга обиҳаёт***
***тутқаздилар.***

Авлиё зиёратидан қайтар экан, унга яна шинавандалар йўлиқадилар ва бирор-бир шеър ўқиб беришини сўрайдилар. Шоир ушбу ғазални ўқир экан, ҳамма ҳайратдан ёқа ушлайди. Ишонмай, уни имтиҳон қилиб кўрадилар. Лекин у энди барча синовлардан муваффақиятли ўтади. Шу-шу Хўжа Ҳофиз номи билан машҳур бўлиб кетади.

Барча машҳур шоирлар каби Ҳофиз ҳаёти ҳам афсона-ю ривоятларга йўғрилган. Шоир билан боғлиқ яна бир машҳур воқеа унинг соҳибқирон Амир Темур билан учрашувидир. Бу учрашув барча илмий ва адабий асарларда қайд этилган. Эмишки, Ҳофизнинг:

***Агар он турки шерози ба даст орад***
***дили моро,***
***Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду***
***Бухороро,***

яъни:

***Агар кўнглимни шод этса ўшал***
***Шероз жонони,***
***Қаро холига бахш этгум Самарқанду***
***Бухорони, -***

деган машҳур байтини эшитган Амир Темур Шерозга келганида шоирни ҳузурига чорлаб, «сўроқ»қа тутади:

— Мен Самарқанд ва Бухорони обод ва маъмур қилиш мақсадида бир умр жангу жадал олиб бориб, дунёнинг ярмини эгаллаган бир пайтимда сен салтанатимнинг бу икки муборак шаҳрини бир гўзалнинг холига ҳадя этишга қандай журъат қилдинг?

— Азбаройи сахийлигимдан шу аҳволга тушдим-да, - дебди шоир унга жавобан ўзининг жулдур кийим-бошига ишора қилиб.

Бу жавобдан Амир Темурнинг қаҳри меҳрга айланиб, Ҳофизга қимматбаҳо туҳфалар берган экан.

Бу ривоят, бир томондан, Ҳофизнинг фақирликда яшагани, айни пайтда машҳур шоир бўлганини, иккинчи томондан, Темурнинг маърифатли ҳукмдорлиги-ю илму адаб аҳлини қадрлаганини кўрсатади.

Ҳофиз моҳир хаттот ҳам бўлган. Унинг қўли билан кўчирилган Хусрав Деҳлавий «Хамса»сининг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади.

Машҳур ҳинд шоири ва мутафаккири Муҳаммад Иқбол Ҳофизни буюк сеҳргар, деб атаган эди. Чиндан ҳам дунё адабиётида сўзни Ҳофиздай минг бир мақомда ўйнатган, сўзга минг бир маъно юклаган, сўзни минг бир сеҳру синоат пардасига ўраган яна бир шоирни топиш мушкул. Шарқда ҳофизхонлик бежиз шуҳрат топмаган. Ҳофиз девони махсус дарслик сифатида ўқитилган.

«Шоирлар раҳнамоси Ҳофиз Шерозийнинг аксар шеърлари латиф ва табиий, баъзилари эса равонлик ва ёрқинликда мўъжиза даражасига етган. Ҳофиз шеърларида сунъийликдан ҳеч асар бўлмагани учун унга «лисон ул-ғайб» лақабини бердилар», - дейди бу ҳақда Абдураҳмон Жомий.

Фирдавсий маснавийни, Умар Ҳайём — рубоийни қанчалик такомилга етказган бўлсалар, Ҳофиз Шерозий ҳам ғазални шунчалик юксак даражага кўтарди. Мана, неча асрлардан буён рубоийда бирор шоир Умар Ҳайёмга етолмагани каби ғазалда ҳам ҳеч ким Ҳофизнинг олдига тушолган эмас. «Ғазал ёзиш Ҳофизга мусаллам бўлди», - дейди бу ҳақда Навоий.

Ҳофиздан бор-йўғи бир девон мерос қолган. Шуни ҳам унинг ўзи тузмаган. Бу ишни Ҳофиз вафотидан 30-40 йил кейин шоирнинг дўсти ва шогирди Муҳаммад Гуландом амалга оширган. Лекин шу биргина девони билан ҳам у ярим дунёни эгаллади. Шарқда Шероз булбулидан таъсирланмаган шоир йўқ ҳисоби. Чунончи, Навоий ўзининг ғазалиётдаги устозларини санар экан, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий қаторида Хўжа Ҳофизни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатади:

***Бири — исонафаслик ринди Шероз,***
***Фано дайрида масту лоуболий.***

Дарҳақиқат, Навоий шеъриятида Ҳофиз руҳи, таъсири сезилиб туради. Хусусан, «Девони Фоний»да бу таъсир бўртиб кўринади. Бугина эмас. У форс тилида Ҳофиз ғазалларига 200 дан ортиқ татаббуъ ёзган.

XVIII аср охири — XIX аср бошларидан эътиборан Ҳофиз Ғарб дунёсини ҳам ўзига қаратди. У Ғарб илму адаб аҳлида Шарқ сўз санъатига нисбатан меҳру қизиқиш уйғотди. Хусусан, 1812 йилда Йозеф фон Ҳаммер шоир девонини тўлалигича таржима қилиб, немис тилида нашр этгач, Ҳофизнинг шуҳрати Германияда ортиб кетади. Ўша пайтда Германияда Ҳофиз шеърлари ўқилмайдиган, унинг ижоди устида баҳс юритилмайдиган бирор адабий уюшма ёки тўгаракни топиш қийин эди. Ҳофизга эргашиб ёзилган шеърлар кўпайди, немис адабиётида шарқона шаклдаги шеърлар, ҳатто ғазаллар пайдо бўлди. Буюк Гёте «Ғарбу Шарқ девони»ни яратди. Бу девон Ғарб адабиётига Шарқ руҳини олиб кирди. Гёте ўзини — Ҳотам, маъшуқасини — Зулайҳо атаб, кўплаб шарқона шеърлар ижод қилади. Бу шеърлар девонга «Муғаннийнома», «Ишқнома», «Ҳофизнома», «Темурнома», «Тафсирнома», «Ранжнома», «Ҳикматнома», «Тафаккурнома», «Масалнома», «Хулднома», «Соқийнома», «Форсийнома» туркумлари бўлиб кирган. Бу девонни шоир ва мутаржим Садриддин Салим Бухорий немисчадан ўзбекчага таржима қилди.

Гёте Ҳофизни «муқаддас Ҳофиз», «ноёб услуб даҳоси» деб улуғлаган бўлса, улуғ немис файласуфи Гегель Ҳофиз ҳақида «гениал санъаткор, гўзал, лаззатли... айни чоқда, исёнкор шеърлар муаллифи» деб ёзган эди.

Рус адабиётида ҳам Ҳофиз катта шуҳрат қозонди. А.Фет: «... қайси тупроқда ва қайси даврда униб-ўсмасин, чинакам шеърият чечаклари асло сўлмайдилар», - деб ёзган эди Ҳофиз шеърларининг таржимаси муқаддимасида. Пушкин Ҳофиз қаламга олган мавзулардан илҳомланиб, «Ҳофиздан» деган туркум шеърлар яратган. М.Лермонтов, В.Жуковский, С.Есенин каби рус шоирлари Ҳофиздан илҳомланиб, «ҳофизона» оҳангларда шеърлар ёзганлар, унинг ижодини юксак баҳолаганлар.

Ҳофиз шеърларидан намуналарни ўзбек тилига Хуршид, Муинзода, Чустий, Васфий, Ш.Шомуҳамедов, Ж.Жабборов, Э.Воҳидов, М.Кенжабек каби форс-тожик адабиётининг билимдонлари таржима қилганлар. Устозлар анъанасини давом эттириб, биз шоир рубоийларидан бир дастасини таржима қилишга журъат этдик. Қуйида шу таржималардан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.

### *Ҳофиз Шерозий*
### РУБОИЙЛАР

***Бир лаҳза лабингни олмагил жом лабидан,***
***То топса жаҳон комини дил жом лабидан.***
***Омухта жаҳон жомида аччиғу ширин,***
***Бул ёр лабидан етгаю, ул жом лабидан.***

* * *

***Жонон бу кечани мен билан ўтказди,***
***Бу бахтни менга Худо ўзи етказди.***
***Ўлим ғами йўқ энди менга, чунки санам***
***Жонбахш лабидан обиҳаёт тутқазди.***

* * *

***Ул шамъи Чигил дардини айтиб бўлмас,***
***Куйган бу кўнгил дардини айтиб бўлмас.***
***Андин юрагимда ғамки, йўқ маҳрами роз,***
***Ҳар кимсага дил дардини айтиб бўлмас!***

* * *

***Мен бандаси ул кимсаниким,***
***шавқи баланд!***
***Гар бўйнида тавқи ишқ, абас,***
***мавқе баланд!***
***Ошиқлигу ишқ кайфини сен не биласан,***
***Бул бодани ул кимса ичар — завқи баланд!***

* * *

***Эй бахт, фақирга қани бир ёр бўлсанг,***
***Мажруҳи замон — дилга мададкор бўлсанг.***
***Ёшлик-ку чиқиб кетди жиловдек қўлдан,***
***Кексалик узанги каби пойдор бўлсанг...***

* * *

***Турк чеҳрали ул фаришта жон қасди эди,***
***Кўздан яширин ҳур каби бўй-басти эди.***
***Тор бўлмаса мунча оғзинг —***
***йўқдек-ку, десам,***
***Куйманг-да қилиб тамаъи хом асти, деди.***

* * *

***Келмайди хаёлимга ўйингдан ўзга,***
***Йўқ борини билмадим кўйингдан ўзга.***
***Ҳар дийдага уйқу ёқади, аммо менинг***
***Кўзимга кўринмайди бўйингдан ўзга.***

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

***Тошкент теннис марказида "Кучлилар" турнири ўтказилмоқда.***

## МАҲОРАТ ТУРНИРИ

- Мусобақани ўтказишдан мақсад теннисчилар орасидан кучлиларни саралаб олишдир, - деди мураббий Иномжон Йўлчибоев "Туркистон-пресс" мухбирига. – Бундай турнирларнинг ўтказилиши ўз навбатида мамлакатимизда спортнинг бу турини ривожланишини жадаллаштиряпти, ёш ҳамда маҳоратли теннисчиларни кашф этилишига замин яратмоқда.

И. Йўлдошевнинг таъкидлашича, айни пайтда марказда "Марказ кубоги учун" деб номланган мусобақа ҳам ўтказилмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ўн уч ёшгача бўлган теннисчилар иштирок этишяпти.



И. ХАСАНОВ олган сурат.

# ШАҲРИСАБЗ ҲУНАРМАНДЛАРИ

***Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидланганидек, бизнинг минтақамизда азал-азалдан ҳунармандчилик ривожланган. Тўқимачилик, миллий пойафзал тикиш, кулолчилик, амалий санъат, ганчкорлик, темирчилик, ўймакорлик билан шуғулланадиган кичик-кичик устахона, дўконлар кўп бўлган. Аҳолининг асосий қисми шу касб-ҳунарлар билан банд бўлиб, уларнинг маҳорати авлоддан-авлодга ўтиб келган.***

***Буни Шаҳрисабз ҳунармандлари ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.***

Шаҳрисабзда азалдан ҳунармандчилик тараққий этган. Қўли гул меъморлар, моҳир қандакору кошинкорлар бунёд этган осори атиқалар ўтмиш авлодларимиз салоҳиятини оламга намойиш қилиб турибди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, Қашқадарё вилоятида ҳам халқ амалий санъатининг ривожи учун қулай имкониятлар вужудга келди. Бу соҳада республика «Ҳунарманд» уюшмасининг ҳудудий бўлими ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Уюшма раисаси Гулнора Одилова бундан 4 йил муқаддам ўз атрофига маҳаллалардаги турли касб-ҳунар соҳиблари ва усталарини тўплаб тадбиркорликка қўл урди.

— Дастлабки пайтда бир мунча муаммоларга дуч келдик, - дейди Гулнора опа. — Вилоят ва туман ҳокимликларининг, қўллаб-қувватлаши, амалий ёрдами туфайли ишимиз юришиб кетди. Шаҳарда аждодларимизнинг ҳунарларини давом эттираётган хотин-қизлар кўп. Шу боис, «Ҳунарманд» уюшмасининг ташкил этилиши аёллар ўртасида ишсизликнинг камайишига олиб келди.

«Кулоллик» маҳалла қўмитаси раиси, 64 ёшли Саломат ая Убайдуллаева умрининг асосий қисмини «Зийнат» (аввалги «Ҳужум») бадиий буюмлар фабрикасида ишлаш билан ўтказган. Оддий ишчиликдан касаба уюшма қўмитаси раислигигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонини олган. Айни пайтда онахон қариндош-уруғларидан 41 нафарини тўплаб тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Улардан 31 нафари каштачилик билан машғул.

Уюшмага 300 нафардан ортиқ 20 хил касбни эгаллаган ҳунармандлар аъзо бўлишган. Улар томонидан тайёрланган халқ амалий санъати намуналари Германия, Япония, Швейцария, Россия каби хорижий давлатларда ҳам маълум ва машҳурдир.

Қадимда воҳа ҳунармандлари Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлардаги тарихий иншоотларга нақшлар ўйишган, Навтака ва Кешда умрбоқий бинолар қуришган. Китоблик ёғоч ўймакорлиги устаси Олим Тўраев устози Ортиқ Файзуллаев билан ҳамкорликда шарқона услубдаги шаҳрисабзча нақшларни қайтадан тиклади.

Гулнора Одилованинг ташаббуси билан Шаҳрисабз ва Китобда «Устоз ва шогирд» мактаблари ташкил қилинди. Тажрибали ҳунармандлар ёшларга ўз касбларининг сирларини ўргатмоқдалар.

Кекса кошинкор Абдулла бобо Файзиев беқиёс истеъдодга эга. Уюшма раҳбарияти шаҳардаги «Мерос» ҳиссадорлик жамияти орқали Абдулла бобо ва унинг фарзандларига ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган хумдон қуриб бериш ташаббуси билан чиқди.

Шаҳрисабз ўзининг кулоллари билан ҳам ном қозонган. Ана шулардан бири Аҳад Музаффаровдир. Унинг қадоқ қўли билан яратилган кулолчилик буюмлари чет элларга ҳам бориб етган. Шаҳрисабзга ЮНЕСКО сертификатини топширишга келган жаноб Майкел Барри Лейн ҳам унинг санъати билан қизиқиб қолди.

Тажрибали кулол Асад Аллаев, ганчкор Рустам Болтаев, моҳир темирчилар Олим Раҳматов, Нарзулла Ҳамидовлар қашқадарёликларнинг фахр-ифтихоридир.

**ЁЛҚИН.**

## БИЛИМДОНЛАР КЎРИГИ

***"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси" мавзуида иқтидорли ўқувчиларнинг биринчи республика анжуманини ўтказиш мўлжалланмоқда. Уни Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Фанлар академияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда ўтказаётир.***

-Бу анжуманнинг ўтказилиши ҳозирги пайтда мамлакатимиз ёшлари орасида физика, кимё ва биология каби табиий фанларга қизиқишнинг маълум даражада пасайиб кетганлиги билан изоҳланаш мумкин, - деди Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг академик лицейлар бошқармаси бош мутахассиси Мавлуда Нишонова "Туркистон-пресс" мухбирига. - Аслида мазкур фанлар ривожисиз юртимиз равнақини тасаввур қилиш қийин. Анжуман "Ёш физиклар ва информатиклар", "Ёш кимёгарлар", "Ёш биологлар" каби шўъбаларга бўлинган ҳолда ўтказилади. Унга республикамиздаги академик лицей ва коллежларнинг мазкур фанлар бўйича энг иқтидорли 150 нафар ўқувчиси жалб этилади. Улар анжуманда ўзларининг илмий-ижодий ишлари билан қатнашадилар.

М.Нишонованинг таъкидлашича, ғолибларни аниқлашда мамлакатимизнинг энг етук олимлари, академиклари, мутахассислари қатнашадилар. Ҳар бир шўъбада ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларга биринчи ўрин учун компьютер, иккинчи ўрин учун телевизор, учинчи ўрин учун эса аудиомагнитофон берилади.


# «ТАЖРИБА ТАЪМИРЛАШ МЕХАНИКА ЗАВОДИ»

## очиқ акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши

***шуни маълум қиладики, жамият акциядорларининг навбатдаги йиғилиши 2002 йил 29 март куни соат 15.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади:***

**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси, 12-уй.**

## Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йилдаги фаолияти натижалари ҳақидаги директор ҳисоботи.
2. Йиллик ҳисоботлар ва бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш ҳайъати хулосасини ва аудиторлик текширувларининг хулосасини тасдиқлаш.
4. 2001 йил якунига кўра жамиятнинг даромадларини тақсимлаш.
5. Бошқа масалалар.

**Маълумотлар учун телефонлар:**
**195-98-34, 195-98-35.**

Умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорларнинг гувоҳномаси (паспорти) бўлиши шарт.

## «ТАЖРИБА ТАЪМИРЛАШ МЕХАНИКА ЗАВОДИ» ОАЖ

**2002 йил 1 январга бўлган бухгалтерлик баланси (минг сўм)**

| № | Бандлар номи | Актив | Пассив |
|---|---|---|---|
| 1 | Устав капитали | | 8444,8 |
| 2 | Резерв капитали | | 444,4/23415,4 |
| 3 | Тақсимланмаган фойда | | 2687,4 |
| 4 | Мақсадли тушум ва фондлар | | 3301,4 |
| 5 | Мажбуриятлар | | 7269,1 |
| 6 | Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар | 9511,1/ 32482,1 | |
| 7 | Айланма активлар | 12636,0 | |
| | Баланс: | **22147,1/ 45118,1** | **22147,1/ 45118,1** |

**2001 йил корхона даромадлари - 38883,6 минг сўм.**
**Харажатлар ва мажбурий тўловлар - 36196,2 минг сўм.**
**Жорий йилнинг соф фойдаси - 2687,4 минг сўм.**
**Бухгалтерлик баланси ва молиявий ҳисоботларни ООО «Логос-Арт-Аудит» (22.11.2001 й.да берилган АФ №00309 сонли лицензия) аудиторлик фирмаси тасдиқлаган.**


## САБЗИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГ

Япониялик физиологлар узоқ тажрибалардан сўнг шундай хулосага келишди. Шовқин пайтида киши ўзини ёмон сезишининг сабаби дармон дори етишмаслигидандир.

Шовқин таъсирида кишилар баданидаги тиамин дармон дориси кескин камаяди. Текшириш олиб борган япон мутахассислари сершовқин жойда ишловчи кишиларга кўпроқ сабзи, тухум, сут истеъмол қилиб туришни тавсия этишмоқда. Чунки булар таркибида тиамин дармон дориси кўп бўлиб, у баданда камайибю кетган дармон дори ўрнини тўлдира олади.


Бухоро шаҳар «ГЎЗАЛ» тикув-атторлик жамоа корхонаси томонидан 16 март 2001 йил № 43 сонли Ступакова Любовь Темировна номига берилган Ваколатнома **бекор қилинади.**



**ISHONCH**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ



**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.



E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*



Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.35

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Буюртма Г— 122. 1 2 3 4 5 6